



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 8 июль, № 131 (6061)

Сешанба

САХОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

жаҳон бозорида юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга — товар белгисига айланмоқда

Косон туманидаги “Олтин воҳа агроинвест” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилда 100 гектар майдонда интенсив усулда қовуннинг эртапишар “Жиян” нави етиштирилди. Айни пайтда у замонавий технологиялар ёрдамида қадоқланган ҳолда, “NUSI” савдо белгиси билан Россия, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

ЭКСПОРТ

Бу саховатли ўзбек замини ноз-неъматларининг юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга — товар белгисига айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислоҳ Каримов “Ўзбекистонда озиқ-овқат дас-турини амалга оширишнинг муҳим захи-ралари” мавзусидаги халқаро конферен-циянинг очилиш маросимидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон-нинг кўплаб минтақалари қисқа муддат-да жаҳон бозорида харидорғир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етишти-радиган ва экспорт қиладиган ҳудудлар-га айланди.

Бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Зеро, истиқлол йил-ларида ривожланишнинг “ўзбек модели” асосида иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш, тизимда бозор муносабатларини жорий қилиш, хусусий мулкчилик шаклини та-раққий топтиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилгани муваффақиятларнинг бош омили бўлди.



Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги-дан олинган маълумотларга қараганда, республикамызда ҳар йили ўртача 90 минг гектар майдонда асосий ва тақ-рорий экин сифатида қовун-тарвуз пар-

варишланиб, гектаридан 200-220 цент-нердан ҳосил олинмоқда. Бошқача айт-ганда, охирги ўн йилда полиз маҳсу-лотлари етиштириш ҳажми 7,8 марта ўсди. Бу ички бозорни қовун ва тарвуз

каби ширин-шакар неъматлар билан тўлдириш баробарида, экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтирди.

(Давоми 2-бетда).



Қисқа

сатрларда

● Самарқанд шаҳридаги “Мўъжиза” амфитеатрида “Битирувчи — 2014” тадби-ри ўтказилди. Бу йил вило-ятдаги олий ўқув юртлари-ни юздан ортиқ йўналиш бўйича 5 минг 778 нафар бакалавр ва магистр та-момлаб, катта ҳаёга қадам қўймоқда. Тадбирда бити-рувчиларга тантанали ра-вишда диплом топширилди.

● Жиззахда ёш авто-назоратчилар республи-ка анъанавий анжумани бўлиб ўтди. Унда Қора-қалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди. Анжуман қатнашчилари йўл ҳара-кати қоидалари бўйича назарий имтиҳон, “Хавф-сиз гилдирак” ёш вело-сипедчилар пойғаси, “Ёш пиёда”, “Ёш бошқарув-чи”, йўл-транспорт ҳоди-саси натижасида жаро-ҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди.

● Бухорода бўлиб ўтган “Биз буюк юрт фарзандла-римиз!” ёшлар фестивали-да, асосан, вилоятнинг чек-ка қишлоқларида яшовчи йигит-қизлар қамраб олин-ди. Пойтахтдан келган та-ниқли олимлар, депутатлар, ижодкорлар, актёр ва санъ-аткорлар билан учрашувлар ёшларда унутилмас таассу-рот қолдирди.

● Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида бўш иш ўринлари ярмар-каси ўтказилди. Туман ҳокимлиги ҳамда банд-ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олт-мишдан ортиқ корхона ва ташкилот бўш иш ўрин-лари билан қатнашди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪТИРОФ



Яқинда Бельгияда нашр этиладиган “Diplomatic World” журнали саҳифасида “Ўзбекистон тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаш ва уни бойитиш ҳақида қайғуради” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда шу йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусига бағишланган халқаро конференция аянқлари қаламга олинган.

«Ўзбекистон тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаш ва уни бойитиш ҳақида қайғуради»

Мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форумда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатлари вакиллари, жумладан, Озарбайжон, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Миср, Италия, Индонезия, Кувайт, Хитой, Нидерландия, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея ва Япониядан келган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарла-ри, олий ўқув юртларининг профессорлари ҳамда илмий тадқиқот марказлари мутахассислари қатнашгани ҳақидаги маълумот билан бошланади.

Унда, хусусан, ушбу анжуман ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий мероси ҳақида қуйидаги сатрлар кўп сонли журналхонларнинг эътиборига ҳавола қилинган:

“Самарқанддаги маз-кур анжуманнинг ўткази-лишидан кўзланган мақ-сад Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафак-кирларининг тарихий ме-

росини чуқур ўрганиш ҳамда ҳамон долзарб бўлган аҳамиятини идрок этиш, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси билан

дунё ҳамжамиятини та-ништириш, шунингдек, турли мамлакатларнинг етакчи олим ва илмий марказларини аллома-лар асарлари ва кашфи-ётларини ҳар томонлама тадқиқ қилишга чорлаш-дан иборат эди.

Президент Ислоҳ Каримов қайд этганидек, кўҳна ва ҳамиша навқи-рон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одам-ни ҳайратга соладиган обидалари билан сайё-рамизнинг турли ўлкала-рида афсонавий шаҳар сифатида маълуму маш-

хурдир. Мовий гумбазла-ри миллионлаб сайёҳ-ларни ўзига мафтун эта-диган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “Абадий шаҳар” деган ном билан бутун дунёда маданий қадриятлар-нинг ривожланишида муҳим восита вазифаси-ни бажарган, цивилиза-циялараро мулоқот ва технологиялар алмаш-и-нуви учун шарт-шароит-ларни яратган. Турли мамлакатлар халқлари-нинг илмий билимлар ва ютуқлар билан бир-би-рини бойитиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги бактрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувлари-да битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъ-ат асарлари, ҳайкалча-лар, меъморчилик наму-налари ва бошқа осори-атикалар Шарқ олами, хусусан, Марказий Осиё халқлари ўз ҳаётида ри-вожланган маданиятга эга бўлганидан далолат беради.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV ас-рга қадар халқаро транс-порт қон томири вазифа-сини бажариб келган, Хи-той, Хиндистон, Марка-зий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи минтақаси каби ҳудуд ҳамда мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг аҳамияти улкан ва бекиёсдир.

Бу йўл нафақат юқори-да зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва мамлакатлар ўртасида ахборот алма-шинувига хизмат қилди, янги технология ва каш-фиётларнинг (ипак, чин-ни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқа-лишида, қишлоқ ҳўжали-ги экинлари ва агротех-нологиялар, шунингдек, маданий қадриятлар-нинг ривожланишида муҳим восита вазифаси-ни бажарган, цивилиза-циялараро мулоқот ва технологиялар алмаш-и-нуви учун шарт-шароит-ларни яратган. Турли мамлакатлар халқлари-нинг илмий билимлар ва ютуқлар билан бир-би-рини бойитиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

(Давоми 4-бетда).



МАКТАБИМИЗНИ ДУНЁ ТАНИДИ

Кўп йиллардан буён ўқувчиларга математи-ка фанидан сабоқ бераман. Ўқитувчилик ма-шаққатли бўлиши билан бирга, ниҳоятда ша-рафли касб ҳисобланади. Зеро, устоз учун ўзи парварши қилган “ниҳоллар” кўкка бўй чўзиб, мева бераётганини кўришдан ортиқ бахт бор-ми?! Мен ана шундай бахтиёр устозман, десам, муболага эмас. Негаки, шоғирдаримиз орасида турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган-лар кўпчилик. Бир нечтаси фан номзоди. Яқин-да улардан бири билан учрашиб қолдим. Истиқ-лол туфайли ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳусусида узоқ гаплаш-дик...

Бавзан ҳаёлимдан собиқ шўролар даври мак-таблари ўзи мактабиди, деган ўй ўтади. Буни бежиз айтмаяман. Уша пайтларда ишлаган-лар бунга қўшилиса керак. Таъмирталаб синфхо-на, эскирган, синган парта, алмисоқдан қолган ўқув қуроллари. Ҳозирги мактаблар-чи?! Икки-сининг ўртасида осмон билан ерча фарқ бордир-ов. Бугунги мактаблар нафақат таълим-тар-бия муассасаси, аини чоғда ёшларимиз учун юк-сак парвозлар маскани сифатида ҳам ўзини тўла намоён этмоқда.

Кечагидек ёдимда. Президентимиз эски қолип-даги таълим тизимидан воз кечиб, янги, замо-навий, илғор ва ўзимизга хос тизимни жорий этишга киришдилар. Дастлаб соҳанинг мустақ-кам қонунчилик асослари яратиди. “Таълим тўғрисида”зи Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига синдирилган ҳаётбахш гоьлар ўқувчи-ёшларимизнинг билим ва салоҳияти, хал-қаро фан олимпиадаларида эришяётган ютуқ-ларида ўзини яққол намоён этди. Энг муҳими, миллий таълим тизимимиз хорижликлар томо-нидан ҳам эътироф қилинди, ўзбек мактабини дунё таниди.

Аслида шундай оозод ва обод юрт ўқитувчиси бўлишнинг ўзи тақдирнинг гўзал битигидир. Айни чоғда ҳар биримизнинг қалбимизда ана шу тақ-дирни ишито этган истиқлол қайфияти ҳукмрон. Ишончим комил: ўқитувчилар ва устоз-мураб-бий қўлида бузун таълим-тарбия олаётган ўқув-чиларимиз эртага, албатта, она-Ватанамиз-нинг шон-шухратини бундан-да юксакларга кўтарадилар.

Зухра ЭРКАБОВЕВА,
Қўшработ туманидаги
34-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,
«Шухрат» медали соҳибаси.

Намунавий тураржойлар қурилишига йўналтирилмоқда

Чуст шаҳридаги “Plast modern” хусусий корхона-сида маҳаллий хом ашёдан қурилиш ашёлари тайёрланмоқда. Яқинда бу ерда йирик ҳажмли бетон гиштлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

ИНТИЛИШ

Бунга қадар корхона фақат полимер қумли том-ёқкичлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаёт-ганди. Қўшимча техноло-гик усуналар ўрнатилгач, қурилишда талаб юқори бўлган йирик ҳажмли бетон гиштлар тайёрлана бошланди. Янги маҳсулот, асосан, қишлоқлардаги намунавий лойиҳа асоси-даги тураржойлар қури-

лишига йўналтирилмоқда. — Куни кеча йўлак пли-талари тайёрлашга ҳам киришдик, — дейди кор-хона раҳбари Анваржон Усмонов. — Мақсадимиз — талабдан келиб чиқиб, маҳсулот тури ва сифати-ни оширишдан иборат.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми 2-бетда).



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг
биринчи чорағида
мамлакатимизда
экспорт ҳажми

8,4
фоиз кўпайди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлилиги-ни ошириш, экспорт қилинадиган маҳсулот-лар ҳажми ва турлари-ни кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли ана шундай юқори ўсиш суръатига эришилди.

Рағбат ва имконият

ёшларимизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда

Ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

БАНДЛИК

Жумладан, жорий йилда Сурхондарё вилоятида 115 та касб-хунар коллежи ва 5 та академик лицейни 45 минг 944 нафар ўқувчи 102 та йўналиш бўйича битирган бўлса, аини пайтда ҳудудда уларни фойда-ли меҳнатга жалб этиш бора-

сида муайян ишлар амалга оширилмоқда.


— Президентимиз 2013 йил 19 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вило-яти Кенгашининг навбатдан таш-қари сессиясидаги нутқида ҳудудда касб-хунар коллежлари-

ни битирган йигит-қизларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида тўхталган эди, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод маса-лалари бўйича доимий комис-сияси раиси Мамат Ҳайдаров. — Шундан келиб чиқиб, асосий эътиборни касб-хунар коллежла-ри битирувчилари бандлигини таъминлашга, корхона ва коллеж мутасаддиларининг бу борада-ги масъулиятини оширишга қаратаямиз. Сир эмаски, бу-гунги кунда кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик субъектла-рининг аҳоли бандлигини таъ-минлашдаги аҳамияти тобора ортмоқда. Айни пайтда касб-хунар коллежларини битирган воҳалик ёшларнинг 13683 нафа-ри кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектлари, 1705 нафари савдо ва хизмат кўрса-тиш корхоналари билан тузил-ган уч томонлама шартномага мувофиқ, муқим иш ўринларига эга бўлгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).





БОҒИМИЗ БОЛИДАН ТОТИБ КЎРИНГ

Фермер ҳўжалигимизни ташкил қилганимизга етти йил бўлди. Шу вақт мобайнида ҳосиддорликни ошира бориб, йил сайин баракали хирмон тикляямиз.

Ҳар сафар Тошкентдан набираларим келганида: “Бобожон, боғларингизни кўрсатинг”, деб қўйишмайди. Шундай пайтда завқим тошиб кетади. Машинага ўтириб, йўлга тушамиз. Уларга атаб кулча ёпаётган бувижониси ортимиздан ҳай-ҳайлаб қолаверади...

Шу десангиз, 37 гектар жойда боғ қилганмиз. Яримдан кўпи интенсив технология асосида. Бир келсангиз кўрасиз: олма, нок, шафтоли, гилоснинг ажабтовурларидан бор. Бу боғни барпо этаётганимизда кўчатларни Европадан келтиргандик. Эндilikда хориженикидан қолишмайдиган паст ва ўрта бўйли, эрта ва кечпишар мева кўчатларини ўзимиз етиштираямиз. Қисқа вақтда фермерлар, хонадон ва томорқа ҳўжаликлари учун шундай ниҳолларнинг 100 мингдан ортигини етказиб бердик. Бундан ташқари, арча, қарағай, оқ қайин, каштан, қайрағоч каби манзарали дарaxт ниҳолларини ҳам ўстирамыз. Бельгия, Голландия атиргулларининг энг яхши навларини парваришляямиз.

Кўчатларни экспортга ҳам чиқараямиз. Ўтган йили шунинг орқасидан 60 минг АҚШ доллари миқдорда фойда олдик. Жорий йил якунигача хорижга 100 минг АҚШ долларилик кўчат сотамиз, деб турибмиз.

Теп-текис йўлнинг икки ёқасидаги янги олмазор — бизники. Олманинг одди шиби. Улардан узиб, “омонлик-сомонлик” деб набираларга улашаман.

...Ўзимиз ҳам бола бўлганмиз. Олмая ўрик, нок, гилос жону дилимиз эди. Лекин у вақтларда мева деганлари анқонинг уруғидек гап эди. Бугун-чи? Бугунги серобликни, кўт-баракани кўринг. Бу боғларнинг жойи бир пайтлар пахтажор бўлган, десам, набираларим ҳайрон қолишади.

Умуман, шимиз олдинга қараб кетмоқда. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Мустақиллик туфайли бошқа соҳалар каби фермерлик ҳам кенг ривожланмоқда, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг ҳаракатлантуручи кучи сифатида ўзини намоян етатыпти. Ҳар гал бирон муваффақиятга эришганимда, энг аввало, шулар ҳақида ўйлашга одатланганман. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол бизни нулли манзилларга элтмоқда.

Захриддин САЙФУДДИНОВ,
Зангиота туманидаги
«Миришкор Сайфуддинов Хонзода»
фермер ҳўжалиги раҳбари.

САХОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).

Дарҳақиқат, полизчилик — қишлоқ ҳўжалигининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса унинг истиқболга учун янада кенг йўл очиб берди. Негаки, ушбу ҳўжжатга мувофиқ, пахта экин майдонлари қарийб 100 минг гектарга қисқартирилиб, бўшаган майдонларга сабзавот, полиз, картошка ва озуқа экинлари жойлаштирилди. Бу каби ислохотлар туфайли яқин йилларда, аниқроғи, 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш сурьати 2014 йилдагидан нисбатан камида 2,3 баробар кўпайиши кутиляпти.

Интенсив технология — истиқболли технология

Қишлоқ ҳўжалигида самарадорликнинг юқори бўлиши кўплаб омилларга боғлиқ. Кулай табиий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги, деҳқон ва фермерларнинг меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит мавжудлиги, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар изчил татбиқ этилаётгани шулар жумласидан бўлиб, юртимизда буларнинг барчаси муҳайё қилинган. Пировардида соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган кўплаб истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодийотини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат



Собир НАРЗИЕВ олон суратлар.

қиляпти. Бунга масъуляти чекланган жамият шаклидаги “Олтин воҳа агроинвест” агросаноат корхонаси фаоляти ёрқин мисол бўла олади.

“Ўзлугуржисавдоинвест” уюмаси таркибидаги “PSM Group” очик акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган мазкур корхона мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Жорий мавсумда бу ерда қовуннинг эртатишар “Жиян” нави интенсив технология асосида парваришлангани туфайли ҳосил муддатидан бир ой олдин пишиб етилди.

— Қовунни нисбатан эрта етиштиришнинг интенсив технологиясини ўзлаштиришимизда

Хусусийлаштириш тамойиллари такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ҳамда Ахборот хизмати ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди. “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан олиб борилаётган ишларга бағишланган тadbирда депутатлар, ишчи гуруҳ аъзолари иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қурулштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади — нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилишни рағбатлантириш, салоҳиятли сармоядорларнинг барча тоифалари хусусийлаштириш

жараёнида тенг равишда иштирок этиши, хусусийлаштирилган битимлар очкилиги ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Маълумки, қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент қўйи палатасига киритилиб, биринчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини иккинчи

ўқишга тайёрлаш жараёнида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 30 дан зиёд йиғилишлар бўлиб ўтиб, муҳокама-ларда депутатлар, тегишли вазирлик, идора, ташкилот вакиллари, мутахассислар, экспертлар қатнашди. Уларда берилган қатор таклифлар такомиллаштириш жараёнларида инобатга олинди. Ўз навбатида, бугунги хусусийлаштириш амалиёти ўрганилиб, хусусийлаштирилган корхоналар фаоляти билан та-нишилди, жойларда тadbиркор-



лар билан мулоқотлар уюштирилди.

Уларда қонун лойиҳасида давлат мулкининг алоҳида турдаги объектларини хусусийлаштириш, шу жумладан, “ноль” харид қиймати бўйича хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари белгилангани муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди. Чунки бу тadbиркорлар, инвесторларга хусусийлаштириш жараёнида янада фаол иштирок этиш, ишбилармонлик муҳитини яшилаш, бюрократик тўсиқларни бартараф

ди. Солиқ ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар эвазига олинган қўшимча маблағ эса корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ҳодимларни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳсулот турларини кўпайтиришга йўналтирилди.

Хулоса ўрнида айтганда, вилоятимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган қатор лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Шу маънода, тоғ-кон саноати учун эътиёт қисмлар, совутиқч ускуналар, оловга чидамли гишт, эмкар вакцинаси, натрий сульфит, кальций карбит, вермикулит, спорт жиҳозлари, лок-бўёқ тайёрлашни йўлга қўйиш юзасидан сай-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Шерзод АСЛОНОВ,
Навоий вилоти
иқтисодиёт бош
бошқармасининг саноат бўлими бошлиғи.

Маҳаллийлаштириш дастури: Истиқболли лойиҳалар, салмоқли натижалар

Бугунги кунда Навоий шаҳридаги “Тизол-Н” МЧЖда базальт толаси, “Kinoyo-Servis-Navoiy” МЧЖда эса оловга чидамли тигеллар ишлаб чиқарилмоқда. Улар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар бўлиб, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида хориж технологияси асосида тайёрланмоқда.

ИСЛОХОТ

Корхона вакилларининг таъкидлашича, маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи бирмунча арзон.

Дарҳақиқат, юқори иқтисодий ўсиш сурьатлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамият касб етатыпти. Бунда вилоятимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида истиқ-

болли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ иш юритилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Натижада истеъмолчиларга турли хил тайёр маҳсулотлар ва материаллар етказиб берилмоқда. Масалан, 2013 йил давомида худудда ушбу дастур ижроси туфайли 414,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 111,4 фоизга

бажарилди. Шундан 372 млрд. сўмлиги ички бозорга сотилган бўлса, 1 млн. 103,8 минг долларлик қисми экспорт қилинди.

Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги “2014 — 2016 йилларга тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорига биноан, жорий йилда вилоятимизда 12 корхонанинг 27 та лойиҳаси Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Бу борада рўёбга чиқарилган ишлар самарасида ўтган биринчи чорада 3 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ иқтисод қилин-

Уруғидан ёғ, поясидан мато

Ховос туманидаги “Олимпфарм” МЧЖда Жанубий Америкадан келтирилган лён ўсимлиги парвариш қилинмоқда. Баъзи хусусиятлари зигирга ўхшаш мазкур наботот тури фармацевтика саноати учун муҳим хом ашё манбаи ҳисобланади.

ИЗЛЛАНИШ

Яъни уруғидан олинадиган ёғ дори-дармон ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Шунингдек, поясидан тўқимачилик саноатида фойдаланиш мумкин. Яна бир жиҳати, вегетация даврида кам сув талаб қилганлиги

боис уни лалми ерларга ҳам экса бўлади. Ҳозир жамият аъзолари томонидан 40 гектар майдонда шу ўсимлик парвариш қилинмоқда.

— Кузда рапс экишни мўлжалляямиз, — дейди мазкур жамият раҳ-

бари Комилжон Боймуродов. — Бу ўсимлик ҳам лён каби фойдали. Унинг ёғи фармацевтика саноатида вазелин, косметика соҳасида крем, машинасозликда эса транспортлар учун мой тайёрлашда ишлатилади. Яна келгуси йили бу ўсимликлар қаторига уруғидан шифобахш ёғ олинадиган ошқовқ ҳам қўшилади.

Аҳмодали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рағбат ва имконият

ёшларимизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).

Шу билан бирга, вилоят меҳнат ва аҳолини ихтимой муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Абсалом Ҳўжамқуловнинг айтишича, жорий йилда 2000 нафардан зиёд битирувчиларга тижорат банклари томонидан 10 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Ҳозиргача 69 нафар ёш мутахассисга 1 миллиард 80 миллион сўмдан зиёд маблағ тақдим этилди.

— Бу йил ўқув даргоҳимизни 810 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, шундан 50 нафари ўз бизнесини алақачон бошлаб юборди, — дейди Денов маиший хизмат кўрсатиш коллежи директори Шамсиддин Элбеков. — Бунинг учун тижорат банклари томонидан уларнинг ҳар бирига 6 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилгани аини муддао бўлди. Масалан, Абдурауф Ҳолимуродов ушбу сармояга туманнинг “Ўрта қишлоқ” маҳалласи худудиди 50 сотих ерда балиқчиликни йўлга қўйди.

Мухтасар айтганда, ҳозирги кунда Сурхондарё вилоти ёшлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларни жамиятнинг фаол кишисига айлантириб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи юксак салоҳиятли мутахассис бўлишлари учун имкониятлар эшигини очмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 8 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2169,12
1 Англия фунт стерлинги	3977,45
1 Дания кронаси	422,72
1 БАА дирҳами	631,68
1 АҚШ доллари	2320,16
1 Миер фунти	324,50
1 Исландия кронаси	20,49
1 Канада доллари	2175,29
1 Ҳитой юани	374,28
1 Россия рубли	67,60
1 Украина гривнаси	196,17
1 Малайзия ринггити	728,01
1 Поляна злотийси	760,76
1 СДР	3588,08
1 Туркия лираси	1088,41
1 Швейцария франки	2591,78
1 евро	3166,61
10 Жанубий Корея вони	22,97
10 Япония ненаси	227,15

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЮТУҚЛАРДАН ҲАЙРАТЛАНИШМОҚДА

Хорижда, айниқса, халқаро нуфузга эга университетда она-Ватанинг ҳақида илқ гаплар эшитиш қанчалик фахри ва тотли эканлигини бир неча бор ҳис қилдим. Гап шундаки, яқинда таниқли иқтисодчи олим дарс ўта туриб, Ўзбекистоннинг қисқа давр ичида қатта тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини аниқ мисоллар билан очиб берди. Хусусан, у жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳали-ҳамон давом этаётган бир даврда ҳам юртимиз иқтисодиётида ўсиш суръати 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганини алоҳида тилга олди. Фахр ва гурур билан аудиторияга раzm солдим. Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларидан келган барча талабалар ўз дафтарларида Ўзбекистон номини ҳамда тилга олинган рақамларни ёзиб олишмоқда. Бундан қанчалик қувонганимни билсангиз эди.

Тўғри-да, ахир биз, ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг манаман деган олий ўқув юртларида ўқиб юрганилигимиз ҳам ана шу ривожланиш тўғриси эмасми?! Ўшим 19 да. Ўрта умумий таълимни Гулистон шаҳридаги 11-мактабда олдим, сўнгра 2-Гулистон академик лицейининг хорижий тиллар йўналишида ўқидим. Ана шу замонавий ва илгор таълим технологиялари жорий этилган ўқув муассасаларида олан билгим менга қўл келди. Интернет тармоғи орқали ўтказилган қабул тестини муваффақиятли топишиб, Япониянинг Бенпу шаҳрида жойлашган Осиё ва Тинч океани университети-га юз фоизлик грант асосида ўқишга кирдим. Ошамизда қатта байрам бўлганди ўшанда. Талаба бўлганимни эшитган дадам эса “Қани эди, шу кунларни бобонг кўрганда”, деб ҳаяжонга тушди. Албатта, бу тўғриси отанинг фарзанди қамолдан қувонганини ҳам ифода-ларди.

Ҳозир шу университетнинг Бизнес ва иқтисодиёт факультетида таъсил олаяман. Бу ерда минтақа ва жаҳон иқтисодиёти бўйича таълим олиш баробарида, турли давлатлардан келган тендошларим билан фикрлашиб, таъбир жоиз бўлса, мамлакатларимизни таништириш имкониятига ҳам эга бўлаямиз. Мен Ватанимизда кечаётган улкан ўзаришлар, хусусан, жаҳонда “ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг беқиёс аҳамияти ҳақида аниқ далиллар билан ҳикоя қилиб бераман. Тўғриси, бу менга чексиз заъф бағишлайди. Ана шундай кезларда жонажон юртинг ютуқлари ҳақида фахр ва ифтихор билан гапиришдан ҳам улдурок бахт йўлигини дилдан ҳис этаркансан киши.

Аҳмаджон МАШРАБОВ, Япониянинг Осиё ва Тинч океани университети Бизнес ва иқтисодиёт факультети талабаси.

«REAL AUCTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай тиббиёт бирлашмаси ҳудудида сакланаётган:

- 2014 йил 14 апрелдаги 5687/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 52-16 НЕ бўлган «JONYANG» JY 210 E» русумли экскаватор қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

- 2014 йил 14 апрелдаги 5687/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10843UAA бўлган «SINOTURK HAWO» ва 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10842UAA бўлган «SINOTURK HAWO» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 275 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 11 август кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Real auktion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: “Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларида ННТ ва аҳолининг фоллигини ошириш”.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- “Ватан фаровонлиги оиладан бошланади” шиори остида лойиҳаларни амалга ошириш;
- аҳолининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидан хабардорлигини ошириш, маҳаллий экологик вазифаларини ҳал этишда аҳоли иштирокини таъминлаш;
- соғлом турмуш тарзини, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;
- атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олишга кўмаклашиш;
- ННТларининг маҳаллалар билан ҳамкорликда бажариладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг турли гуруҳлари орасида юқумли касалликлар профилактикасини амалга ошириш, профилак-

тик чора-тадбирлар борасида хабардорлигини таъминлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксалтиришга кўмаклашиш;
- соғлом авлодни вояга етказишда таълим ва спортнинг аҳамиятини янада кўчайтириш, болаларни баркамол ривожлантириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар билан таъминлаш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги аёлларни сифатли ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминлашга кўмаклашиш;
- ижтимоий инфратузилма объектларида энергия ва сувни тежаш, чикиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган

фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан), шунингдек, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 23 июндан 1 августгача, ҳар кунни соат 9-30 дан 17-00 га қадар.

Танловда давлат рўйхатидан ва ҳисобидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): “100035, Тошкент ш. Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй” манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

КИЧИК БИЗНЕС

Вобкент туманидаги “Йўлдошбек — Феруз” хусусий корхонаси негизида ташкил этилган нон цехи замонавий печлар билан жиҳозланди.

Дастурхон кўрки

Натихада бу ерда тайёрланаётган ширмой нонлар нафақат Косаре, айни чоғда қўшни қишлоқлар аҳолиси дастурхонининг ҳам кўркига айланди.

— Оилавий сармоя ҳамда банк ажратган 15 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан харид қилинган печларда нонлар қўғдай қизариб пияшадпти, — дейди корхона раҳбари Воҳиджон Ҳасанов. — Бу печларнинг энергияни кам сарфлаши биз учун айни муддаодир. Юқори унум билан ишлаши учун соатига атиги 3,8 киловатт электр энергияси, 2,5 кубометр табиий газ кифоя қилади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2014 йил 19 июндаги 3424-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» ҚФЙда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 145,17 кв.м., қурилиш ости майдони 94,60 кв.м. бўлган 2 қаватли коттеж биноси савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 316 056 192 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 август кунни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 12 август кунни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

* Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 29 ноябрдаги 15-1309/17395-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 29-сонли «Машъал» МФЙ, Сайилгоҳ кўчасида жойлашган, «Fergana globus» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 359,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1105,01 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги 3 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 189 000 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 8 август кунни соат 17.00 да тўхтатилади.

2014 йил 25 июль кунни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:

* Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «6-КМФ» МЧЖга қарашли, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7 233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 503 632 209 сўм.

1. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Қапчугай

кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси.

Бошланғич баҳоси — 336 344 919 сўм.

2. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11 365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4 596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги молхона мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 425 387 838 сўм.

3. Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги қурилиш тугалланмаган хусусий банк биноси.

Бошланғич баҳоси — 130 028 871 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 23 июль кунни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридидаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.


Аукцион савдолари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бухороидин Марғиновий кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

24 СОАТ ИЧИДА

Япония ҳукумати мамлакатнинг Окинава ороли жанубида жойлашган префектуралар аҳолисини “Неогури” тўфони яқинлашиб келаётгани ҳақида огоҳлантирди.

Эҳтиёт чоралари кўриломоқда



жануби-шарқий йўналиш бўйлаб соатига 20 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда. Унинг марказида шимолнинг шиддати сониясига 70 метргача етаяпти. Қиёслаш учун айтиш жоиз, бундай юқори суръатдаги тўфон йўлда кетаётган энгил русумдаги автомобилни бемалол ағдариб ташлай олади.

Ўз навбатида, “Кунчикар юрт” ҳукумати аҳолини қирғоққа яқинлашмасликка чақириб, барча кемаларни хавфсиз жойга қўчириш бўйича кўрсатма берди. Сув тошқинлари келиб чиқиш эҳтимоли юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Фаолиятини кенгайтиради

Австралиянинг ўйин қурилмалари ишлаб чиқарувчи “Aristocrat” компанияси Американинг худди шу йўналишда фаолият олиб боровчи “Video Gaming Technologies” компаниясини 1,3 миллиард АҚШ доллариға сотиб олади.



Бу ҳақда “The Wall Street Journal” нашри маълум қилди. “VGT” Охлахома, Вашингтон, Калифорния ва яна бир қанча штатларда 20 мингдан ортиқ ана шундай ус-

куналарни ижара асосида жойлаштирган. “Aristocrat” эса Шимолӣ Америкада 8,2 мингта ўйин қурилмаларига эга. 2015 йилнинг мартига қадар шартномадаги барча шартлар тўлиқ адо этилиши режалаштирилган мазкур олди-сотидан сўнг Австралия компанияси ушбу йўналишдаги энг йирик хизмат кўрсатувчилардан бирига айланади.

Ойига бир кун бепул

Бундан буён ҳар ойнинг биринчи яшанбасида Италиядаги музейларга бепул кириш мумкин.



лиянинг бой тарихий мероси билан фуқаролар ҳамда хорижий сайёҳларни янада кенгроқ таништиришдан иборат.

Бугунги кунда мазкур давлатда 420 та давлат музейи ва археологик ҳудуд мавжуд.

Автомобилларга талаб ошган

Буюк Британия иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари автомобиль бозоридидаги ижобий ўзгаришларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.



Мамлакат автомобиль ишлаб чиқарувчилари ва сотувчилари жамияти маълумотларига қўра, ўтган ойда ҳудудда янги машиналар савдоси 6,2 фоиз (228 минг 291 автоулов)га ошган. Биринчи ярим йиллик аяқлалари бўйича эришилган на-

тижадор 2013 йилнинг шу давридагисига билан таққосланганда, 10,6 фоизлик ўсишга эришилгани кўзга ташланди. Мутахассисларнинг айтишича, бу 2005 йилдан буён олти ойлик кўрсаткичлар билан боғлиқ қайд этилган энг яхши ҳолатдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ жамоаси банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали бошлиғи Шуқурилла Имомалиева волида муҳтарамаси

Хуриятхон АЗИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиаатрия тиббиёт институти жамоаси Неврология, болалар неврологияси кафедрасининг собиқ мудир, профессор

Фаттоҳ Турсунович АБДУҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси ходим Мирақмал Мирҳодиева падари бузруквори Мирмуҳам МирҳОДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ВАТАНГА МУҲАББАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ҳар кун ишдан оилам бағрига қайтарканман, икки ўғилчамнинг соғлом, бахтиёр чеҳрасини кўриб, кўнглим янада ёришади. Оиламда хотиржамлик ва бахтиёрлик юртимизда тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, оила институтини қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хос кўзгуи эмасми?!

Ёш оиламиз. Ўзим тиббиётчиман, турмуш ўртоғим умумтаълим мактабида инглиз тилидан бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Ўғилларим боғчага қатнайдилар. Ҳар бир кунни қизгин иш режалари билан бошлаймиз: болаларимиз боғчага, биз ишга ошиқамиз. Бир қарашда, бу — оддий ҳол. Аммо ҳаётдан қониқиш ҳисси бўлмаса, унинг ўрнини таҳлика ва хавотир эгалласа, кўнглим иш сиздимми?! Телевизордан кўрагимиз, дунёнинг бир нуқтасида одамлар нотиқ ва беҳаловат ҳаёт кечираётган бўлса, бошқа бир еридаги одамларнинг кўзларида кўркўв, умидсизлик, эртанги кунига ишонсизлик акс этиб турибди.

Юртимизда, ҳар бир оилада тонининг шукрона билан, эзу мақсад ва ниятлар билан қарши олиншини, фарзандларимиз камолоти учун кенг имкониятлар мавжудлиги, энг муҳими, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда камолга етаётганликларини ўйлаб, гурурланиб кетаман.

Муствақиллик эълон қилинган йили иккинчи синфда ўқирдим. Бола эдим, Истиқлол қанчалик бебаҳо неъмат эканлигини тушунмасдим, англамасдим. Мана, бузун фарзандим мактаб оstonасида турибди. У озод юртнинг бахтиёр боласи. “Менинг Ватаним — муствақил Ўзбекистон!” дейди ажиб заъб билан. Унинг тўқсонлига бугунги ёш авлодга ҳавас қиламан. Аини пайтда бундай бахтни қадрлаш, болаларимизни, оиламизни, она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш кераклигини ич-ичимдан ҳис этаман.

Шероли РАҲИМОВ,
Республика эпидемиология-микробиология
юқумли касалликлар илмий текшириш
институтини врач-нефролог.

Истироҳат боғининг янги қиёфаси

Андижон шаҳрида жойлашган Нодира-бегим номидаги истироҳат боғи ҳашар йўли билан таъмирланди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Тунда турфа товланувчи чироқлар ўрнатилди.

ОБОДЛИК

— Боғ ҳудудидаги сунъий кўлда чўмилиш ҳавзаси ташкил қилдиқ, — дейди боғ директори Иброҳимжон Махсумов. — Музқаймоқ ва яхна ичимликлар дўкони иш бошлади. Боғ ҳафтасига етти кун фаолият кўрсатади.

Кўёш нурлари остида мавжланиб турган сув сатҳида ўндан ортқ катамаран, қайиқ ва бошқа замонавий сузиш воситалари дам оловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Сандоҳмад ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буюк Ипак йўли орқали Европада, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Фарб оламидаги улуг аллома ҳамда мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сукрот, Афлотун, Аристотель, Птолемей ва антик даврда яшаган бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, гоё ва кашфиётларини ўрганиш учун амалда имкониятлар шаклланди...

Тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўрта-надек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланади ҳамда жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги уйғониш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониши даври — Шарқ ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда ўз эътирофини топган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганидек, агар Европа уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, меъморчилик дурдоналари, тиббиёт ҳамда инсонни англаш борасидаги янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ҳамда адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Табаррук ўзбек замини тарих, математика, кимё, тиббиёт, астрономия, фалсафа ва адабиёт соҳалари ривожига улкан ҳисса

Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимларни хайратга солган.

Самарқандда расадхона бунёд этган, буюк давлат арбоби Амир Темурунинг невараси Мирзо Улуғбек номи илм-маърифат осмониди бамисоли ёрқин юлдуз каби порлаб туради. Қирқ йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шўхрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуг илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади.

Мирзо Улуғбек томонидан XV асрда тузилган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомидида яратилган илк каталог эди.

1687 йилда европалик олим Ян Гевелий томонидан яратилган “Юлдузлар осмони каталоги”да турли даврларда, дунёнинг турли мамлакатларида яшаб ўтган буюк астрологларнинг рамзий йиғилишини акс эттирган сурат мавжуд. Суратда улар астрономиянинг илҳом париси ҳисобланган Уранининг икки томонидан жой олган ҳолда давра қуриб ўтиради. Улар орасида

Мирзо Улуғбек ҳам тасвирланган.

Бугун Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлэмалар сақланиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг маданий мерослар рўйхатида киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг кўлэмалари Европа ҳамда Осиёнинг қатор мамлакатлари, жумладан, Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлар кутубхоналарининг “олтин фонди”ни ташкил қилади.

Бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод қилган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ҳамда илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди...

Кўп асрлар ўтишига қарамасдан дунё Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг даҳолиги, улардаги қизиқишларнинг ранг-баранглиги ва билимларнинг қомусий-

лигидан хайратга тушмоқда. Афсуски, инсоният бошдан кечирган фалокатлар, урушлар, табиий офатлар натижасида улар бой меросининг мингдан бир қисми бизгача етиб келган.

Бугун тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик қилган муайян даврларида олимлар таъқиб ва қувғинга учраганлиги, қўнчилигининг ҳаёти фожиаи тугаганини тасаввур этиш мушкул.

Бунда далилларга кўра, инсонлар ўртасидаги низолар ва тўқнашувларнинг биринчи қурбонлари билимлар манбаи — ноёб кўлэмалар, асарлар бўлган. Антик даврдаги энг катта ҳисобланган Александрия кутубхонаси, Мирзо Улуғбекнинг ноёб кутубхонаси ва бошқалар йўқ қилиб юборилган.

Президент Ислам Каримов тарих ва бугуннинг ажралмаслигини таъкидлар экан, таниқли испан адиби Мигель де Сервантеснинг “Тарих — фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир” деган сўзларини келтирди.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

Спорт

Ўзбек ҳаками — жаҳон чемпионатлари рекордчиси

Хусусан, Эрматов яшил майдонда юзага келадиган вазиятларга доимо ваазминлик, босиқлик билан ёндашадиган, тўғри қарорлар қабул қила оладиган камсонли ҳакамлардан бири экани, шу боис ҳам ҳозиргача ўтказган беллашувларида жиддий хатоларга йўл қўймагани алоҳида таъкидланган.

Айтиш жоизки, Бразилиядаги мундиалга Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан эса битта ҳакамлар бригадаси жалб қилинган.

Бундан тўрт йил муқаддам Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Равшан Эрматов бешта учрашувни бошқариб, футбол тарихига кирган эди. Бу галги нуфузли мусобақада у тўртта уйинда бош ҳакам сифатида майдонга тушишга улгурди. Жумладан, чорак финал доирасидаги Голландия — Коста-Рика баҳси унинг учун мундиаллардаги тўққизинчи масъуляти вазифа бўлиб, ҳамюртимиз шу орқали рекордчига айланди.

Бундан аввалги рекорд (8 та уйин) бир йўла уч нафар рефери — Жоэль Кинью (Франция), Бенито Арчундия (Мексика) ва Хорхе Ларрионда (Уругвай)га тегишли эди.

Халқаро фаолиятини 2003 йилда бошлаган, ҳадемай 37 ёшини қаршилайдиган Р. Эрматовнинг бугунгача эришган ютуқларига кўпчилик ҳавас билан қарайди. У 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги мундиаль, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йилда XXX ёзги Олимпиада уйинларининг футбол баҳслари, 2013 йилда эса Бразилияда ташкил этилган конфедерациялар кубоги беллашувларини бошқарган.

Эрматов тўрт бор “Осиёнинг энг яхши ҳаками” деб топилган. Шунингдек, у 2011 йилда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси томонидан “Жаҳоннинг энг яхши ҳаками” дея эътироф этилган. Ҳамюртимиз 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингига юқори поналардан бирини эгаллаган.

Ўзбек футболининг шўхратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мил-

лий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов Президентимиз Фармонида мувофиқ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланган.

Бразилиядаги жаҳон чемпионатида 60 та баҳс ортда қолди. Олдинда ярим финал, 3-ўрин учун кечадиган беллашув ва финал уйини кутиб турибди. Ҳозирданоқ кўпчиликни “Хал қилувчи учрашувга қайси жамоалар чиқади-ю, уларни бош ҳакам сифатида ким майдонга олиб тушадими?” деган савол жавоби қизиқтирмоқда. Албатта, буни аввалдан айтиб бўлмайди. Шунчаки тахминлар илгари сурилиши мумкин. Лекин айнан ҳакамлар борасида гап кетганда, икки рефери номи асосий даъвогар сифатида тилга олинмоқда. Улардан бири ўзбекистонлик Равшан Эрматов бўлса, иккинчиси англиялик Ховард Ўзббидир. Бу ҳам биз учун алоҳида гурур бағишлайдиган ҳолат. Умид қиламиз, “Бразилия — 2014” финалида ҳам Ўзбекистон номи янграйди, ўзбек ўғлони ўз маҳоратини яна бир қарра барчага намойиш этади.

Суннатилла ИСЛОМОВ.



XX жаҳон чемпионати ярим финалида қуйидаги жуфтликлар ўзаро баҳс юритади:
9 июль,
1:00. Бразилия — Германия
10 июль,
1:00. Голландия — Аргентина.

«Йўл»

Алишер Навоий номидаги киносаройида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига асосан, “Меъмор” студияси томонидан суратга олинган “Йўл” номли ҳужжатли фильм намойиши ва унинг ижодкорлари билан мулоқот бўлиб ўтди.

ПРЕМЬЕРА

Фильмда атоқли навоийшунос олима, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳибаси Суйима Ғаниеваннинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли хусусида ҳикоя қилинади. Таъкидлаш жоизки, “Йўл” мамлакатимизнинг маънавий-маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшган ҳамда қўшаётган ватандошларимиз ҳақидаги “Замон ва тақдирлар” номли ҳужжатли фильмлар туркумининг давоми сифатида тасвирга олинган. Асарда олиманинг Навоий даҳосини ўрганишга оид илмий изланишлари, ноёб кўлэмалар талқини, шунингдек, тоталитар тузум давридаги қарама-қаршиликлари зиддиятлар ҳақида сўз боради.

— Бизнинг бахтимиз — буюк аждодларини қадрлайдиган, олим уфзалоларининг иззатини жойига қўйиб, истеъдодли ёшларини қўллаб-қувватлайдиган муствақил Ўзбекистонда яшайётганимиздир, — дейди олима. — Мен фаолиятим, илмий изланишларим давомида бир қанча юртларда бўлдим, кўплаб инсонлар билан мулоқот қилдим. Энг муҳим ишим — ҳазрати Навоий кўлэмаларини юртимизга олиб келиб, нашр эттиришга дахлдор бўлганимдир. Эшқобил Шукуров сценарийси асосида режиссёр Адҳам Усмонов ва тасвирчи Музаффар Юсупов иштирокида суратга олинган “Йўл” ҳужжатли фильми томошабинларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақдим этади!

Фестиваль йўналишлари:

эстрада;

анъанавий ижрочилик;

академик вокал.

Фестивалнинг асосий шарти: кўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матннинг таъсири ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна харақати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнггида фестивал якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлиналарида, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

WWW.XS.UZ

Тошкент: Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва Шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг аҳоли саломатлиги муҳофазасидаги роли ҳамда аҳамияти мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.